

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Yu/74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АШУРОВА НИЛУФАР ЎКТАМОВНА

**ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХАТТИ-
ҚАРАҚАТЛАРГА ЖАЛБ ЭТГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙИ
ЖАВОБГАРЛИК**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ашурова Нилуфар Ўктамовна

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб
этганлик учун жиноий жавобгарлик..... 3

Ашурова Нилуфар Ўктамовна

Уголовная ответственность за вовлечение несовершеннолетнего в
антисоциальное поведение..... 27

Ashurova Nilufar Uktamovna

Criminal liability for involving a minor in anti-social behavior..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Yu/74.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АШУРОВА НИЛУФАР ЎКТАМОВНА

**ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХАТТИ-
ҚАРАҚАТЛАРГА ЖАЛБ ЭТГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙИ
ЖАВОБГАРЛИК**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Уи458 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети веб-сайти (www.mghti.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Рустамбаев Мирзаюсун Ҳакимович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Тоҳиров Фарҳод юридик фанлар доктори, профессор Уразалиев Мурод Қораевич юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2020.Уш/74.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.:(99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; e-mail: mgjku@umail/uz).


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2191 – рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.:(99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; e-mail: mg-hti@umail/uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «03» 12 куни тарқатилди.
(2021 йил 02 12 даги В-рақамли реестр баённомаси).




Д.М.Миразов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор


М.М.Нурматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент


М.Б.Усмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда катта ёшдагилар томонидан вояга етмаганларни ноқонуний ҳаракатларга жалб этилиши аксарият ҳолларда оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишига, шу жумладан уларни тиланчиликка, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, фоҳишабозликка ва бола порнографиясига жалб этилиши кўпайиб бораётгалиги жиддий хавотир уйғотмоқда. Зеро, вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш билан боғлиқ жиноятлар ижтимоий қадрият ва анъаналарга, жамиятнинг ҳуқуқий асосларига зарар етказиб, ўсиб келаётган авлод салоҳиятини бузғунчиликка йўналтиради, вояга етмаганларни “криминал маданият” турмуш тарзига ўргатади, шунингдек жамиятда қонунга ҳурмат ва итоаткорлик руҳи мустаҳкамланишига тўсқинлик қилади. Бу эса, вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга, жиноят содир этишга жалб этганлик учун жавобгарликни белгиловчи қонунчиликни такомиллаштириш долзарблигидан далолат беради.

Жаҳонда вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш билан боғлиқ назарий ва амалий муаммоларга бағишланган кенг қамровли ва комплекс илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса, вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этган шахсларни муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш билан боғлиқ жиноий жазо тизимини такомиллаштириш, мазкур турдаги жиноятларнинг содир этилишида жой, касб ва ижтимоий мавқенинг роли, уларни олдини олишда ўқиш, иш ва яшаш жойи жамоасининг ўрни ва аҳамиятини ошириш, мазкур жиноятларнинг қурбони бўлишга шарт-шароит яратувчи психологик ва ижтимоий омилларни бартараф этиш, нодавлат ва нотижорат ташкилотларини жиноий хатти-ҳаракатларга жалб этишни олдини олишда моддий рағбатлантириш механизмларини ривожлантириш, бундай ҳаракатларга жалб қилинганларнинг ижтимоий ва тиббий-психологик реабилитация, ресоциализация, реадaptациясини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, жавобгарлик ва жазо чораларини қўллашда дифференциация ва индивидуаллик каби халқаро стандартлар ва ҳуқуқ нормаларини қонун ҳужжатларида эътироф этиш даражасини кучайтириш билан боғлиқ муаммоларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш ҳамда илмий асосланган ечимларини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг барча йўналишларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, оилага, ёшларга, ахлоққа қарши жиноятларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш; жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни

мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш; диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш; аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса вояга етмаганларни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик масаласини тадқиқ этиш орқали жиноят қонунчилигида мазкур жиноий қилмиш билан боғлиқ жазо чоралари таъсирчанлигини ошириш, масъул шахсларнинг ва касб эгаларининг жавобгарлигини алоҳида белгилаш орқали такомиллаштириш, мазкур турдаги жиноятларга қарши курашда замонавий таҳдидларни ва жалб этиш усуллари аниқлаган ҳолда уларни қонунчилик ҳужжатларида акс эттириш, амалиётда мавжуд муаммоларни аниқлаган ҳолда соҳада институтлар ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш, мазкур турдаги жиноятларни профилактикасида фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик иштирокини таъминлашнинг рағбатлантириш механизмларини такомиллаштиришни тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сонли «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сонли «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сонли «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот илм-фанни ривожлантиришнинг «III. Юқори малакали илмий ва муҳанис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017-й., 6-сон, 70-модда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик масалалари республикамизда Ю.М.Каракетов, М.Ҳ.Рустамбаев, Қ.Р.Абдурасулова, Б.Д.Ахраров, З.С.Зарипов, О.Г.Закирова, Р.Кабулов, М.М.Кадыров, А.К.Расулев, А.А.Расулев, Б.А.Арифжанов, М.К.Уразалиев, Ш.Р.Ғофуров, М.А.Саттарова, У.Абдуганиев, Ш.О.Азим ва бошқалар томонидан ўрганилган.

МДХга аъзо давлатларда вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик Н.А.Бабий, И.П.Лановенко, Т.С.Барило, Ф.Г.Бурчак, А.В.Бриллиантов, В.Ф.Иванов, Н.П.Шевченко ва ва бошқалар² томонидан ўрганилган.

Хорижий олимлар Anne-Marie Kilday (Буюк Британия), David Nash (Буюк Британия), Frank E. Vogel (Германия) ва бошқалар³ томонидан мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлигига оид махсус илмий тадқиқот “Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий чоралари” мавзусида Ш.О.Азим томонидан юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш тайёрланган диссертация ишида амалга оширилган. Ҳуқуқшунос олим У.Абдуганиев томонидан “Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг олдини олиш” масалалари таҳлил қилинган. Ўз навбатида, тадқиқотчи Н.Т.Исмоилов “Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари” мавзусидаги номзодлик диссертация ишида вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари ҳар томонлама тадқиқ этилган. Ҳуқуқшунос М.Утениязов эса ўзининг илмий ишида вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш муаммоларини ўрганиб чиққан.

Шу билан бирга юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, айнан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик ва унинг олдини олиш юзасидан алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш йўллари» илмий изланишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарликни

² Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

³

такомиллаштириш, уларнинг сабабларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш тушунчаси, турлари ва уларнинг ижтимоий хавфлилигини таҳлил этиш;

баъзи хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида белгиланган вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жавобгарликни қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш;

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиш;

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишни квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш;

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш;

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилган жиноятчи шахсига криминологик тавсиф бериш;

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик ва унинг олдини олиш билан боғлиқ жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муносабатлар тизими хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предметини вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарликни тартибга солувчи миллий жиноят қонунчилиги нормалари, суд-тергов амалиёти, хорижий мамлакатларнинг вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарликка оид тажрибаси, жиноят ҳуқуқи фани доктринасида мавжуд илмий-назарий ғоялар, қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда умумий илмий услублар: функционал ёндашув, мантиқийлик, тизимлилик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик, маълумотлар таҳлили, социологик сўровлар ўтказиш каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вояга етмаган шахсни нафақат гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш, балки уларнинг аналогларини истеъмол этишга жалб қилиш учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланиши лозимлиги асосланган;

гиёвандлик воситаларининг аналоглари ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни белгилашга оид қоидалар аниқлаштирилди;

вояга етмаган шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкоғолли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликни белгилаш асослаб берилган;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда вояга етмаганларни ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайририжтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган шахслар, шу билан бирга ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётганларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган таъсир чораларини қўллаш юзасидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритиш ҳуқуқи Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг ваколатлари сифатида белгиланиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, шунингдек болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган шунингдек, муайян ёш тоифаларидаги болалар ўртасида тарқатилиши чекланган ахборот маҳсулотини тарқатиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш зарурати асосланган;

мансабдор шахслар томонидан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш, унга била туриб ёлғон ахборот бериш шунингдек, мансабдор шахслар томонидан мурожаатларни, огоҳлантиришлар, тақдимномаларни кўриб чиқмаганлик ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик ёхуд улар юзасидан била туриб қасддан ишончсиз маълумотларни тақдим этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш зарурати асосланган;

Жиноят кодекси 127-моддаси 2-қисмидаги “вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш” жумлалари модда таркибидан чиқарилиб, Жиноят кодекси 274-моддаси (Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш) иккинчи қисмини “вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш” мазмунидаги “Г” банд билан тўлдириш таклифи ишлаб чиқилган;

Жиноят кодекси 127-моддаси биринчи қисми диспозицияси «Вояга етмаган шахсни олдиндан била туриб алдаш, мажбурлаш, моддий манфаат кўришни ваъда қилиш ёхуд бошқача йўл билан жиноят қилишга жалб этиш», 127-моддаси иккинчи қисмида «вояга етмаган шахснинг ота-оналар, педагог ёки вояга етмаганлар тарбиясига масъул бўлган шахслар томонидан», «ҳаёт учун ҳавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш орқали содир қилиниши», «икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан, «вояга етмаган шахсни оғир жиноят қилишга жалб этиш», 127-моддаси учинчи қисми вояга етмаган шахсни ўта оғир жиноят қилишга

жалб этиш ёхуд уюшган гуруҳ, жиноий уюшмага жалб этиш» деган янги таҳрирда ишлаб чиқилган;

Жиноят кодексига «Вояга етмаган шахсни фоҳишалikka жалб қилиш» учун жавобгарлик белгилловчи 127²-моддани киритиш таклифи асосланган;

жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик билан боғлиқ жиноятларга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш ҳамда бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиётига асосланган. Бундан ташқари, хулосалар Тошкент шаҳар туманлар ИИО ФМБ Тергов бўлими терговчилари ўртасида ўтказилган социологик сўровлар, Ўзбекистон Республикаси Олий судидан олинган статистик маълумотлар ва 100 га яқин суд ҳукмларининг таҳлили натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қоидалар жиноят ҳуқуқи ва криминология фанлари назариясининг ривожланишига хизмат қилади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган хулосалардан илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юридик олий ўқув юртларида жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларидан дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот иши вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш ва унинг олдини олишнинг мавжуд муаммоларини ҳал этишда ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш ва унинг олдини олиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда ифодаланади. Тадқиқот натижаларидан жиноят қонунини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқиш амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш ва унинг олдини олиш масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

вояга етмаган шахсни нафақат гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, балки уларнинг аналогларини истеъмол этишга жалб қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланиши лозимлиги тўғрисидаги *таклифдан ЖК 127-моддаси иккинчи қисмига ўзгартириш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ*

масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 06 ноябрдаги 06-13/1850-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши мазкур турдаги қилмишларни содир этган шахсларнинг ҳаракатлари тўғри квалификация қилинишига ва жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланишига хизмат қилган;

вояга етмаган шахс гиёҳвандлик воситаларининг аналогларини истеъмол қилишга жалб этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 127-моддаси иккинчи қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 29-бандига ўзгартириш киритишда ўз аксини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 20 январдаги 08/УМ-59-21–сонли маълумотномаси*). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши суд амалиётида вояга етмаган шахс гиёҳвандлик воситаларининг аналогларини истеъмол қилишга жалб этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо беришга ва адолатли жазо тайинланишига хизмат қилган;

вояга етмаган шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкоғолли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдириб, уларни тиланчилик қилишга жалб этишнинг криминализация қилиниши лозимлиги тўғрисидаги таклифдан ЖК 127¹-моддасининг қабул қилинишида фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 06-13/1850-сонли маълумотномаси*). Ушбу таклифлар қилмишга тўғри жиноят-ҳуқуқий баҳо бериш ва жиноий жазо тайинлашда одиллик принципига риоя этилишининг таъминланишига хизмат қилган;

вояга етмаганларни ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриқонуний қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни моддий таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки уларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритишни Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги ваколатларидан бири сифатида белгилаш лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби

тўғрисида»ги Низомнинг 58-банди тўртинчи хатбошисини тайёрлашда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 31 январдаги 33/04-01/426-сонли маълумотномаси*). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган шахсларнинг ҳаракатларини барвақт профилактикаси таъминланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 3 та халқаро, 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 10 та илмий мақола (7 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жавобгарликнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили**» номли биринчи бобида вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш тушунчаси, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишда ифодаланадиган ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати ёритилиб, унинг ҳуқуқий белгилари, ижтимоий хавфли қилмиш сифатида тақиқланишига доир назарий-ҳуқуқий қарашлар ўрганилган, баъзи хорижий давлатлар ва миллий жинойт қонунининг вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун белгиланган нормалари қиёсий таҳлил қилинган. Диссертант нафақат ЖК 127-моддасини, балки ЖК 274-моддасини ҳам атрофлича таҳлил қилган.

Муаллиф ушбу бобда тадқиқ этилаётган жинойт учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруратини ўрганиб, кишилик жамияти ривожининг турли босқичларида болаларни ижтимоий хавфли тажовузлардан бевосита ва билвосита ҳимоя қилишнинг шакллари

ўрганиб, қадимдан болаларга алоҳида ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида қаралганлигини қайд этган.

Тадқиқотчи Ю.М.Каракетов, М.Ҳ.Рустамбаев, Қ.Р.Абдурасулова, Б.Д.Ахраров, З.С.Зарипов О.Г. Закирова, Р.Кабулов, М.М. Кадыров, А.К. Расулев, А.А.Расулев, Б.А.Арифжанов, М.К.Уразалиев, Ш.Р.Ғофуров, М.А.Саттарова, У.Абдуганиев, Ш.О.Азим, А.В.Корнеева, Н.А.Бабий, И.П.Лановенко, Т.С.Барило, Ф.Г.Бурчак, А.В.Бриллиантов, В.Ф.Иванов, Н.П.Шевченко ва бошқаларнинг вояга етмаганлар ҳамда вояга етмаганларни жалб қилиб содир этиладиган жиноятларга оид қарашларини, жиноятларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилган.

Ушбу бобда вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг ижтимоий хавфлилиги кичик ёшдагилардан жиноят содир қилиш мақсадида фойдаланиш қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини ошириши билан белгиланиши, вояга етмаганлар содир қилаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англамай жамиятга, фуқароларга катта зарар етказиши масалан, портлатиш қурилмасини ўрнатиши, бирон-бир объектга ўт қўйиши, гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддалар ёхуд уларнинг аналогларини ташиши оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини англамаслиги ёритилган.

Вояга етмаганларни жиноятга жалб қилишнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз юритиб, диссертант вояга етмаганлар томонидан жиноятларнинг 30%га яқини катта ёшдагилар таъсирида содир этилишини, уларнинг аксариятини ўғрилиқ, баданга турли даражада шикаст етказиш, фирибгарлик, босқинчилик, номусга тегиш ташкил қилишини асослаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 127-моддасида назарда тутилган жиноятлар таҳлил қилиниб, икки турга ажратилган: *конкрет бўлмаган жалб қилиш*, бунда катта ёшдаги шахснинг ҳаракатлари жиний турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаганни мазкур дунёга олиб кириш учун танлаш, ёллашга қаратилган бўлиб, бунда конкрет жиноят ҳақида сўз бормайди. *Конкретлашган жалб қилиш*да эса ўсмирлар катта ёшдаги шахслар томонидан ўйлаб қўйилган жиноятга шерик, биргаликдаги иштирокчи ёхуд яқка бажарувчи сифатида жалб қилинади ёхуд вояга етмаганларда жиний ниятни туғдиришга, шакллантиришга қаратилган ҳаракатларда ифодаланади. Айнан конкретлашган шаклдаги жалб қилишни квалификация қилишда баъзи муаммолар, яъни катта ёшдаги шахснинг ҳаракатларида бошқа мустақил жиноятларнинг белгилари ҳам бўлиши мумкинлиги исботланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга ахлоқ-одоб нормаларига зид бўлган, жамоат тартибига, кишиларнинг нормал ҳаёт кечириши ва фаолиятига зарар етказадиган турли хатти-ҳаракатлар деб таъриф берилган.

Тадқиқот ишида бир қатор олимларнинг мавзуга оид қарашлари таҳлил этилиб, М.Х.Рустамбаевнинг вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этиш деганда, вояга етмаган шахсга нисбатан жисмоний зўрликни қўллаш ёки унга рухий тазйиқ ўтказиш, қўрқитиш, пул бериб оғдириш, авраш, алдаш, ўч олиш, ҳасад, рашк туйғуларини ва бошқа паст ниятларини қўзғатиш, жиноят содир этишни таклиф қилиш, ўғирланган нарсаларни сотиб олиш ёки сотиб

беришни ваъда қилиш, жиноятни содир этиш жойи ва усуллари ёки жиноят изларини яшириш ҳақида маслаҳатлар бериш йўли билан унинг бир ёки бир нечта жиноятларнинг содир этилишида иштирок этиш ниятини рағбатлантиришга қаратилган ҳаракатлар ва жиноятни содир этишга оғдириш мақсадида вояга етмаган шахслар билан спиртли ичимликлар ичилишини тушуниш зарурлиги тўғрисидаги фикрини қўллаб-қувватланган.

Мазкур бобда ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этилган вояга етмаган шахсларни *ижтимоий хавfli (жиноят) гуруҳга кирувчи* ва *ғайриижтимоий (жиноят бўлмаган) гуруҳга кирувчи* вояга етмаган шахсларга ажратилишини асослантирган. Шунингдек, «қизиқтириш», «мажбурлаш», «жалб қилиш», «алдаш», «қўрқитиш» тушунчалари таҳлил қилиниб, уларнинг фарқлари кўрсатилган.

Муаллиф вояга етган шахснинг мажбурланиши, қўрқитилиши туфайли жиноят содир қилиши жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб белгиланганлигининг сабаби, бундай вазиятда вояга етмаган айбдор ўз ихтиёри билан ҳаракат қилмаслиги ва жиноий натижага эришиш унинг бевосита мақсади эмаслиги, айбдорнинг мақсади талаб қилинган ҳаракатларни содир қилиш орқали уни мажбурлаётган шахснинг таҳдиди, хавф-хатардан қутулиш эканлигини, «зўрлик» деганда, жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатиб, жиноят содир қилишга мажбурлаш тушунилишини, зўрликнинг кенг тарқалган усули, жисмоний зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш эканлиги, қўрқитиш эса шахснинг ўзига, унинг қариндошлари ёки яқин кишиларига, шунингдек мулкига зарар етказиш каби ҳаракатларда ифодаланиши, мазкур ҳолатни жавобгарликни енгиллаштирувчи деб ҳисоблаш учун қўрқитиш ғайриқонуний, зарар етказиш жиддий ва реал, зўрлик ишлатиш хавфи аниқ бўлиши кераклигини, шу билан бирга мажбурланаётган шахс бундай хавфни реал ҳисоблаб, субъектив равишда қабул қилиши кераклигини, булар зарар етказишнинг реал эҳтимоли ва руҳий зўрлик каби қўрқитишнинг асосий белгиларини фарқлаш имконини беришини, жиноят ҳуқуқи назариясида қўрқитишнинг: ахборот билан таъминланганлик, мавжудлик, воқелик, аниқлик ва бошқа бир неча турлари мавжудлиги улар қўрқитишнинг фарқловчи хусусиятлари ҳисобланмаслигини таъкидлаган.

Диссертацияда вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан айрим хорижий давлатларнинг мавзуга оид жиноят қонуни нормаларини ўрганилиб, хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида тадқиқ этилаётган қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормаларнинг тузилиши турлича эканлиги аниқланган. ГФР, Швейцария, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Жанубий Корея; МДХга аъзо мамлакатлар – Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Беларусь, Тожикистон ва Туркменистон республикалари, Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида ҳам тадқиқ этилаётган қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилганлиги кўрсатилган.

Жумладан, АҚШ ЖКда 18 ёшга тўлган ҳар қандай шахс вояга етмагандан зўрлик ишлатиб жиноят содир этишда қасддан фойдалангани

учун жавобгарлик белгиланган. Буюк Британиянинг жинсий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонунининг 2-қисмида болаларга нисбатан жинсий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кўзда тутилган бўлиб, унга кўра 13 ёшга тўлмаган болани жинсий фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш жиноят ҳисобланади. Германия ЖКда вояга етмаганларга жинсий алоқани тарғиб қилганлик алоҳида жавобгарлик белгиланган бўлиб, 16 ёшга тўлмаган шахснинг ҳомийлиги ва ҳомийлиги учун масъул бўлган шахснинг бундай ҳаракати жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида белгиланган. Швецария ЖКда вояга етмаган шахсни фоҳишалikka ундаганлик, вояга етмаганларга уларнинг соғлигига таҳдид солувчи буюмларни берганлик учун жавобгарлик белгиланган. Япония ЖКда жинсий гуруҳ аъзолари томонидан вояга етмаган шахсларни мажбурлаш ёки ишонтириш орқали жинсий гуруҳга жалб қилиш учун жинсий жавобгарлик белгиланган.

Диссертациянинг «**Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг юридик таҳлили**»га бағишланган иккинчи бобида вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг объектив ва субъектив белгилари таҳлил қилиниб, мазкур жиноятларни квалификация қилишнинг айрим масалалари тадқиқ этилган.

Диссертант ушбу бобда ўрганилаётган жиноятлар объекти хусусида сўз юритиб, вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг объектив белгиларини ўрганиш учун бундай қилмишларнинг объекти ва объектив томонини ўрганиш зарур, чунки жиноят объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонларини таҳлил қилмасдан бу жиноятнинг муайян шаклини аниқлаб бўлмаслигини қайд этган. Жиноят ҳуқуқи назариясида вояга етмаганларни жиноятга ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг махсус ҳамда бевосита объектларини умумлаштиришнинг сабаби, асосан жалб қилиш вояга етмаган шахс томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир қилинишига олиб келиши ва бир вақтнинг ўзида вояга етмаган шахснинг жисмоний ва маънавий ривожланишига тажовуз қилиш билан тушунтирилади.

Тадқиқотчи қатор муаллифларнинг фикрларини ўрганиб, вояга етмаган ва ёш болаларга нисбатан мазкур жиноят содир этилганида тажовузнинг бевосита объекти:

- вояга етмаган шахсларнинг нормал ривожланиши;
- вояга етмаганларнинг тўғри тарбияси ва ривожланиши билан боғлиқ манфаатлар;
- вояга етмаган шахсининг шаклланиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар;
- вояга етмаганларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар деган фикрни илгари сураган.

Шунингдек, вояга етмаган тарбияланган оиладаги муҳит, шарт-шароитлар унинг ижтимоий етуклигининг мазмуни ва суръатини ҳал қилишини, эътиборга олиб, муаллифнинг фикрича, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг бевосита объекти

сифатида вояга етмаган шахснинг нормал оилавий, маънавий-ахлоқий ривожланиши, унинг соғлиғи ҳам эканлиги асосланган.

Тадқиқотчи “вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳаракатларга жалб қилишнинг бошқача усуллари” деганда таклиф қилиш, сўраш, кўндириш, пул бериш билан ўзига оғдириш, шунингдек, унга «катталар иши»ни қилолмаслигини ёки атрофдагилар олдида унинг обрўи ошишини айтиш орқали унда спиртли ичимликларни истеъмол қилишга қизиқиш уйғотиш ва бошқалар тушунилиши лозимлигини таъкидлаган.

Шунингдек, вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимлик истеъмол қилишга, гиёҳванд ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш жиноятнинг ўрганилаётгани кўриниши ҳисобланишини, вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, охир-оқибат жиноятчиликнинг ўсишига олиб келишини, чунки спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш, кимор ўйнаш, кўчаларда дайдиб, тиланчилик қилиб юриш уларда тарбиясизлик, виждонсизлик ва маънавий қашшоқлик каби иллатларининг пайдо бўлишига олиб келишини асослантирган.

Муаллиф вояга етмаган шахсни сурункали равишда спиртли ичимлик ичишга жалб қилганлик учун жиноий жавобгар қилишнинг асоси сифатида вояга етган шахс томонидан систематик равишда (икки ва ундан ортиқ) таркибида маст қилувчи моддалар мавжуд бўлган ичимликни унга ичирилиши фактига эътибор бериш лозим, деган фикрни илгари сурган. Бу ичимликлар гуруҳига уй шароитида тайёрланган спиртли ичимликлар ҳам киришини, вояга етмаган шахс билан бир мартаба маст бўлиш даражасида спиртли ичимлик ичган шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланилиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш инсон ақл-идрокининг бузилиши, яъни кучли руҳий ҳаяжонланиш, ғазабланиш, шафқатсизлик, бефарқлик, қизиқишлар доирасининг торайиши, эслаб қолиш, диққат-эътибор бериш қобилиятининг пасайиши, жинсий бузуқликларнинг асосий сабаблари ҳисобланиши, уларни доимий равишда узоқ вақт давомида истеъмол қилиш натижасида шахсдаги интеллектуал ва ахлоқий фазилатлар йўқолиб бориши, ижтимоий фойдали нарсалар ўрнини маст бўлишга интилиш эгаллаб олишига ҳам тўхталган.

Тадқиқ этилаётган ЖК 127-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят формал таркибли бўлиб, вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик ёки психотроп моддаси ҳисобланмаган, лекин одамнинг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган пайтдан, айбдор ўз мақсадига эришгани ёки эришмаганидан қатъи назар, тугалланган деб эътироф этилиши асосланган.

Тадқиқотчи бугунги кунда вояга етмаганлар орасида турли ғайриижтимоий ҳулқ-атвор, шу жумладан, тиламчилик, дайдилик, бир жойда муқим яшай олмаслик каби иллатлар урф бўлаётгани, бироқ, ушбу ҳулқ-атворнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги баҳсли эканлиги, аввало, вояга етмаган шахсни тиламчилик, спиртли ичимликларни истеъмол

қилиш, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмайдиган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш, гарчанд кейинчалик жиноий оқибатларнинг сабаби бўлса-да, аммо шу ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш сирасига кирмаслиги, қонун чиқарувчи шуни инобатга олиб, биринчи марта содир этилгани учун маъмурий жавобгарликка тортилиши, қолаверса, суд-тергов амалиётда ушбу хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари, деярли учрамаслиги, айбдор ЖК 127-модда 3-қисми билан жавобгарликка тортилганлигини эътиборга олиб, ЖК 127-моддаси 1-қисмини МЖтКга ўтказиш зарурлигини асослантирган.

Муаллиф тиламчилик қилиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва ҳоказолар вояга етмаган шахсларнинг нормал ривожланиши ва шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатишини, фоҳишабозлик эса нафақат ўсмирнинг жисмоний, балки унинг ахлоқий ва маънавий ривожланишига ҳам жиддий салбий таъсир қилишини, шунинг учун фоҳишаликнинг бошқа ғайриижтимоий ҳаракатларга қараганда ижтимоий хавфлилиги юқори ҳисобланишини, вояга етмаган шахсни фоҳишалikka жалб қилиш одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар, ёшлар савдоси, айрим мамлакатларда кенг тарқалганлиги, ҳатто миллат генофонди ва миллий хавфсизликка реал хавф туғдириши туфайли мазкур жиноий фаолиятга қарши курашишнинг барча зарурий чоралари кўрилиши билан боғлиқлигини исботлаб, жиноят қонунига 127²-модда (вояга етмаган шахсни фоҳишалikka жалб қилиш)ни киритиш заруратини асослаган.

Ишда тадқиқ этилаётган жиноятларнинг субъекти жиноят содир этгунига қадар ўн саккиз ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар эканлигини кўрсатилиб, субъектив томондан ушбу жиноят эгри ёки тўғри қасд билан содир этилади, яъни, айбдор ўзи содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди ва унинг қандай ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқаришига кўзи етади ва шундай оқибатлар келиб чиқишини истаб ёхуд уларни юз беришига онгли равишда йўл қўйган ҳолда, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилиш учун ҳаракат қилади, деган хулосага келинган.

Муаллиф суд-тергов амалиётини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 29-банди учинчи хатбошисини *«агар гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга вояга етмаган шахс жалб этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари махсус норма, яъни ЖК 274-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади»*, мазмунидаги ўзгартириш киритиш таклифини ишлаб чиқган.

Диссертациянинг **«Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг криминалогик тавсифи ва олдини олиш»**га бағишланган учинчи бобида вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-

шароитлар ҳамда вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш таҳлил қилинган.

Ушбу бобда вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар таҳлил қилинган, жиноятчи шахсига криминологик тавсиф берилган.

Тадқиқотчи иш томонидан ўтказилган сўров натижалари, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга нисбатан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик натижасида ёшлар қалбида ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат каби олижаноб қадриятлар тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги, сўровда қатнашган ёшларнинг кўпчилиги учун оила (52,6%), ватанга хизмат қилиш ва жамият учун фойдали ишлар қилиш (81,2%) устувор қадриятлар ҳисобланишини қайд этилган.

Криминолог олимлар ва тадқиқотчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш асносида, вояга етмаган шахсларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этилиши объектив ва субъектив сабаблар туфайли юзага келиши, бунда объектив сабаб ва шарт-шароитлар инсонларнинг иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган тарзда мавжуд бўлиб, уларни бартараф қилиб, тугатиб бўлмайди, аммо уларни чеклаш, бир қисмини зарарсизлантириш, уларнинг салбий оқибатларини камайтириш, яъни уларни назорат қилиш ва уларга таъсир кўрсатиш мумкинлиги, ўз навбатида, субъектив сабаблар ва шарт-шароитлар одамларнинг муайян мақсад йўлидаги фаолиятига тааллуқли ва боғлиқ бўлиб, одатда ушбу фаолиятдаги камчиликларнинг оқибатида юзага келиши асослантирилган.

Изланувчи вояга етмаган шахсларни жиноятчиликка жалб қилишнинг қуйидаги сабабларини кўрсатган:

1) *вояга етмаган шахсларнинг назоратсизлиги.* Вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишга имкон берган сабаб ва шароитлар ҳақида тўхталганда шуни айтиш мумкинки, мазкур ижтимоий хавфли қилмиш учун асосий сабаб ва унга имкон берган шароит бу вояга етмаган шахсларнинг назоратсиз қолиши ҳисобланади.

2) *Номақбул турмуш шароитлари* таъсирида юзага келган шахснинг салбий, ахлоқий-руҳий хусусиятлари ва ташқи объектив ҳолатларнинг ўзаро таъсири жинойий хулқ-атворни вужудга келтириши мумкин бўлиб, бунда салбий ахлоқий-руҳий хусусиятлар ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Нормал оила тарбияси доирасидан четга чиқиш жамият нуқтаи назаридан қараганда, ижтимоий тарбия нормаларининг қуйидаги соҳаларида бузилишига олиб келиши мумкин:

а) оиланинг моддий ва маиший шароитида; б) унинг таркиби ва тузилишида; в) оиланинг ахлоқий сифатларида; г) тарбиянинг педагогик жиҳатларида, шунингдек оиланинг мактаб билан бўладиган алоқаларида.

3) *вояга етмаган шахсларнинг атрофидаги носозлом муҳит.* Вояга етмаганлар атрофидаги дўстлари, яқин биродарлари таъсири ҳам жуда кучли бўлади. Ўсмирнинг гуруҳга мансублиги, шунингдек, гуруҳнинг моҳияти ҳам кўпинча номаълум бўлиб қолади, ўсмирни гуруҳнинг зарарли таъсиридан тўсиб қолиш чоралари кўрилмади ёки жуда кеч кўрилади.

Шахсда ахлоқий ёки ҳуқуқий онг тўла шаклланмаган бўлса, у ўзгаларнинг таъсир доирасига тушиб қолади. Бундай шахслар ҳуқуқий нормаларни тўла англамаганлиги боис жиноий хатти-ҳаракатларни содир этади.

Бунда иккита муҳим ҳолат алоҳида аҳамиятга молик. Биринчидан, катта ёшдагилар томонидан вояга етмаганларни жиноий фаолиятга жалб қилишнинг ижтимоий хавфлилиги даражасининг ўта юқорилиги, иккинчидан, вояга етмаганларга хос жиҳат, жиноятларнинг анчаси “аралаш”, яъни катта ёшдагилар билан бирга содир этилиши бўлиб, буни ўсмирда намоён бўладиган конформизм ҳодисаларининг бошқа детерминант (аниқловчи)ларидан келиб чиқиб, жазони индивидуаллаштиришда ҳисобга олишни тақозо этади.

Мактабдаги муҳит ҳам вояга етмаган шахснинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Агар ўсмир оиладаги шароит туфайли (мисол учун ота-оналар ўртасидаги жанжал, келишмовчилик ва ҳ.к.) дарсга яхши тайёрланиб келмаслиги мумкин. Мазкур жараёнларнинг мутассил давом этиши эса вояга етмаган шахснинг мактабдаги хулқи ва олаётган баҳосига салбий таъсир қилади. Одатда бундай ҳолларда мактабдаги педагог ҳам бундай ўқувчисини унча хушламайди, унга бўлган муносабати ҳам ўзгаради.

4) *вояга етмаган шахсларнинг спиртли ичимликлар ва гиёҳванд воситаларни истеъмол қилишга қарши чора-тадбирларнинг сусайиши.* Ушбу омил аввалгисининг натижаси, давоми сифатида юзага келмоқда. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сусайтириб юборилганлиги, иш билан таъминлаш ва бошқа муаммолар қоникарли даражада ҳал этилмаётганлиги ҳамда назорат қилиш функциясининг ўта бўшлиги оқибатида кўплаб ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиб кетиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар тобора кўпаймоқда.

Ушбу бобда ЖК 127-моддасида кўзда тутилган жиноятни содир этган шахсга криминологик тавсиф берилган. Ўтказилган социологик тадқиқотларнинг натижаси сифатида куйидаги маълумотлар келтирилган:

биринчидан, жиноятнинг бу тури кўпроқ эркакларга хос, (85-90 фоиз). Шунга ўхшаш жиноятчилик бўйича аёлларнинг улуши 10-15 фоиздан ошмайди. Ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларига жалб қилишда, қоида тариқасида, психологик ва жисмоний таъсир кўрсатилади, жалб қилинган вояга етмаган шахс жиноят содир этилишига имкон берувчи кўникмалар, шарт-шароитлар яратилишига ўқитилади.

Вояга етмаган шахсларни жиноятга жалб қилишда 18 дан 24 ёшгача бўлган шахслар (59,9%)ни ташкил қилган, бу ёш гуруҳи жиноий фаол ва жамиятга қарши (криминоген) йўналиши яққол намоён бўлади. Ундан сўнг кейинги ёш гуруҳи – 30-49 ёшдагилар (22,3%). 25-29 ёш гуруҳига, (5,8%) улуш тўғри келган. Улар асосан, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан чиққан шахслар бўлиб, вояга етмаган шахсларни кўпинча жисмоний ва руҳий зўравонлик, кўрқитиш орқали гиёҳвандлик, захарвандлик каби иллатларга,

майда ўғрилик, безорлик, тиламчилик ва ҳоказо ҳаракатларга жалб қилишади. 50 ёш ва ундан катта ёшдагилар атиги 2% ни ташкил этган.

Жалб қилганларнинг 20 % - ўзаро қариндош, 70% - таниш бўлган, фақат 10% вояга етмаган шахслар нотаниш ёки бегона шахслар томонидан жиноятга жалб этилган.

Айбдорларнинг аксарияти (75%) — оиласиз ёки ажрашганлар, ярмидан ортиғи – ҳеч қаерда ишламайди ва ўқимайди. Меҳнат қиладиганлар ичида аксар қисми – паст малакали, оғир меҳнат талаб этадиган ишларда машғул (юк ташувчи, қоровул, ишчи, қурувчи ва ҳ.к.) Жиноятга жалб қилувчи шахслардан 75% моддий аҳволи паст, тўлиқсиз ўрта ва ўрта махсус маълумотлилар - 86%; ўрта маълумотли — 12%, олий маълумотли — 2% ни ташкил этган.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлар: 1) таъмагир; 2) таъмагир-зўравон; 3) ашаддий; 4) ўта ашаддий типларга ажратилади.

Бошқа типга мансуб жиноятчи шахслар томонидан содир қилинган жиноятлар 1,3% ни ташкил қилади. Улар, вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга таъмагирлик ниятида эмас, бошқа мотивлар (қизиққонлик, зеркиш, ўйинқароқлик ва ҳ.к)ни қўзғатиб жалб қилишган.

Мазкур бобда вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг олдини олишга доир таклиф ва тавсиялар илгари сурилган ва улар шартли равишда ташкилий, норматив-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий йўналишларга ажратилган.

Ташкилий чоралар сифатида қуйилдагилар таклиф этилган:

– вояга етмаганларни ижтимоий ва руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ягона ишонч телефони жорий қилиш;

– вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар ўртасида идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базаларини кенг жорий этиш;

– ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» тадбирлари доирасида ҳар пайшанба куни мактаб, коллеж ва лицейларда туман прокуратураси, туман ИИОФМБ ва Ёшлар ишлари агентлиги аъзолари иштирокида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ташвиқот-тарғибот тадбирларини ўтказиш;

